

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БҮЛИМИ СДЕКТРОВ ЖУРНАЛ

Номий тапир



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2020 йил июль

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2020 йил июл ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг
2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналига бир ярим оралиқдаги материаллар “Microcoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов

Т.Мирзаев

А.С.Сагдулаев

С.С.Ғуломов

Ф.Г.Назиров

Р.Д.Курбанов

М.Ҳ.Рустамбоев

Ш.Т.Қудратхўжаев

Н.А.Хусанов

Б.А.Назаров

А.Асқаров

Д.Ю.Юсупова

А.Х.Саидов

Т.Ў.Арипова

Қ.Р.Аллаев

С.М.Туробжонов

И.С.Саифназаров

Г.А.Мардонова

Филиалы

Т.САБИТОВА, Алипер Навоийни

тимсоли чалини

С.А.НАСИРОВА, Оғизиме истоҳи

табобати ошарасу оиди

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-үй

Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

ЭТА Гофидане

МУНДАРИЖА

Инновацион гоялар ва ишланмалар

Р.Ф.САФАРОВА. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар ва талаба-ёшларда маданий дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қиласиган манбалар 5

Иқтисод

З.А.ХАКИМОВ, Б.А.РАДЖАБОВ. Интеллектуал мулк халқаро савдосининг ривожланиш тенденциялари 13

Д.Ю.САТТАРОВ. БМТ Мингийиллик ривожланиш мақсадлари ҳамда Ўзбекистон миллий барқарор ривожланиш мақсадлари асосидаги устувор вазифалар 25

Б.Т.ЮЛДАШЕВ. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топишининг мақсади ва аҳамияти 36

Юридик

А.Д.БАБАДЖНОВ. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ишини ташкил этишда сиёсий партиялар фаолиятининг йўналишлари 47

А.А.ЗУЛФУҚОРОВ. Янги методик тавсияларни суд-экспертлик фаолиятига татбиқ қилиш масалалари 61

Б.А.НАРИМАНОВ. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тарихи ва ривожланиш тенденциялари 68

М.Б.БАҲРАМОВА. Ўзбекистонда арбитраж судлов ҳайъатининг ваколатларини кенгайтиришнинг зарурати ва жаҳон амалиёти 81

М.Д.БОТАЕВ. Терговга қадар текширувни амалга оширишга доир халқаро тажриба 90

Ш.Х.МАМАТОВ. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятида маъмурий процедураларнинг хуқуқий аҳамияти 100

Филология

Т.САБИТОВА. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида аёллар тимсоли талқини 112

С.А.НАСИРОВА. Основные исторические предпосылки для равноправных узбекско-китайских общественно-политических отношений 122

Я.Х.МАДАЛИЕВ. Латифанинг асосий жанр хусусиятлари 131

Н.У.ЭШБАЕВА. Сопоставление произведений Ф.М.Достоевского и Э.Т.А.Гофмана. 140

| | |
|--|-----|
| А.К.АРСЛНОВ. Амир Темур феномени акс қўлёзма ва тошбосма манбалар матнларининг қиёсий таҳлили. | 149 |
| С.З.РАИМОВА. Абдулла Орипов шеъриятида диний-маърифий мавзунинг бадиий талқини | 160 |
| Д.А.МУҲАММАДИЕВА. «Бобурнома»даги мақол ва маталларни таржима қилиш тамойиллари | 170 |
| З.М.АМИРҚУЛОВА. Тарихий ҳикоя поэтикаси | 180 |
| М.С.БАҲРИЕВА. Нотиқлик санъатининг телевидение ривожидаги илмий-назарий асослари | 193 |
| А.М.ЭЛМУРОДОВ. Жадид матбуотининг таълимни миллий уйғониш асоси сифатидаги талқинлари | 201 |
| Д.А.РУСТАМОВА. Асқад Мухтор асарларига Толстой ижодининг таъсири | 209 |
| Н.Б.ЭГАМҚУЛОВА. XX аср бошлари Туркистонда вақтли матбуот ҳамда адабий жараён | 221 |
| Х.Х.РАҲМОНОВА. “Сўрок” қиссасида адабий-фалсафий талқиннинг ўзига хослиги | 230 |
| Х.Р.ИБРАГИМОВА. COVID-19 пандемияси даврида жаҳон ва маҳаллий медиаконтентда инфографика имкониятларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари | 239 |
| | |
| Фалсафа | |
| Ф.З.ЮСУПОВА. Ёшларда инновацион хулқ-атворни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари | 250 |
| А.А.АЗИМОВ. Абу Бакр ар-Розийнинг ахлоқий қарашлари | 257 |
| М.Н.КОМИЛЖАНОВ. Миллатлараро тутувлик – Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдевори | 265 |
| | |
| Техника | |
| У.Ш.ҲАМРАҚУЛОВ. Галаёнларни интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимларга таъсирини бартараф этиш тамойиллари | 272 |

Хозирга кигиданбай, тозора тарбиянишни бористон-сано инсон жаънинишини, унинг мурексаб оқамини бадиий-слабистру көрдинаш, литеңчи көрсөткішни талаб етмиска. Бундай сенгилеппеш, ажыраткан образини тұратын жәр бир жаңарға үзінде хос таңда намесін білесе. Жумалдан, кітес жаңарға жыныс.

“СҮРОҚ” ҚИССАСИДА АДАБИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Хуршида Халиловна РАҲМОНОВА

мустақил тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада истеъоддли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Сўрөт” номли қиссаси рамзий образлар асосида тадқик этилган. Адабнинг ўзига хос индивидуал услуби, образлар бадиияти, қаҳрамонлар рухияти, рамзлар, тимсоллар бадиий таҳлил килинган.

Таянч сўзлар: рамзий образлар, қаҳрамон характери, ижодкорнинг бадиий ғояси, психологик тасвир, образлар тизими, сарлавҳа, рамзий образлар, қаҳрамон нутқи.

ОСОБЕННОСТИ ЛИТЕРАТУРНО-ФИЛОСОФСКОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ В ПОВЕСТИ “ДОПРОС” (“СУРОК”)

Хуршида Халиловна РАҲМОНОВА

Независимый исследователь

Ташкентский государственный университет

узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье повесть Хуршида Дустмухаммада “Допрос” рассматривается с точки зрения использования в ней символических образов. Анализируются своеобразный индивидуальный стиль автора, художественное воплощение образов, раскрытие психологии героев, символика и образы.

Ключевые слова: символические образы, характеры героев, художественная идея автора, психологическое изображение, система образов, название, символические образы, речь героев.

Хозирги янгиланиб, тобора глобаллашиб бораётган давр инсон маънавиятини, унинг мураккаб оламини бадиий адабиётда ифодалаш, янгича идрок этишни талаб этмоқда. Бундай янгиланиш, замондош образини яратиш ҳар бир жанрда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жумладан, қисса жанрида ҳам.

Бугунги ўзбек насрининг қиссаларида янги тамойиллар намоён бўлиб, бу тамойиллар мавжуд миллий-адабий анъаналар билан жаҳон адабиётидаги илфор тажрибаларнинг ўзаро табиий ва давр тақазоси билан изохланадиган синтези сифатида воқе бўлаётир. Уларда инсон ва ҳаётни бутун мураккабликда кўриш, зоҳирий ва ботиний оламни, рухиятни холис ва таъсирчан тасвирлаш, фалсафий-психологик талқин ва мажозий образлилик устуворлик қилмоқда. Адабий-эстетик тафаккурдаги ўзгаришлар қиссаларнинг ғоявий мазмуни ва мавзу қамровини кенгайтириш баробарида адибларнинг индивидуал услуби, тасвир ва ифодадаги бетакрорлиги ва талқин оҳанглари ранг-баранглигини юзага келтирмоқда.

Мустақиллик даврида қисса жанрида Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул, Шодикул Ҳамро каби адиблар самарали ижод қилдилар. Бу ёзувчилар қиссаларида мафкуралашмаган инсонни, унинг фазилату қусурлари билан биргаликда тасвирлаш, инсон рухиятининг муракаб оламини ифодалаш мезонга айланди. Реализм ва модернизм усуллари қоришиқ ҳолда асар моҳиятига сингдирилди.

Адаб Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди ҳақида адабиётшунос Шуҳрат Ризаев шундай ёзади: “Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини фақат ҳиссий ёндашувнинг ўзи билан таҳлил этиб, тушунтириб бўлмайди. Унда ҳиссиёт тўлқинлари ҳамиша тафаккур кирғокларига урилиб туради. Бири иккинчисини ўзаро тақозо этади. Бинобарин, ўзан бор, бироқ, у қазилган каналдек тўппа-тўғри ўзан эмас, балки ҳаёт йўлларининг оддий кўзга ноаён энг теран хилъатлари, энг чекка пучмоқларини қамраган ўзан. Шулар қўйилиб, қисса, роман деган катта ўзанлар тўлиб, тўлиқиб оқади” [4;163].

Дарҳақиқат, адибнинг хикоя, қисса ва романларини шунчаки ўқиш мумкин эмас, у китобхонни ўйлашга, фикрлашга, ҳаёт, инсон умри, унинг мазмун-моҳияти ҳақида мушоҳада қилишга ундейди. Адибнинг мана шундай қиссаларидан бири “Сўрок” деб номланади. Ушбу қисса адабий-фалсафий руҳда ёзилган бўлиб, унда ўзига хос рамзий образларнинг мавжудлиги эътиборни тортади. Пахта далаларида трактор ҳайдаб, оддий

камтарона, аммо тинч-хотиржам яшаётган Бозорқул образи қиссанинг асосий марказида тасвирланган. Асар сюжет воқеалари шу қаҳрамон атрофида, шу қаҳрамонга боғлиқ ҳолда юз беради. Оддий, камбағал Бозорқул уйландио, бўғзигача қарзга ботди. Қарзларидан қутилиш мақсадида, Аминбой гуппининг йўриғи билан пахта заводига ишга жойлашади. Ҳамма ғалвалар, мажаролар мана шу завод орқасидан бошланади. Пахта қабул қилувчилар гурухида ишлаб, тун ярмида уйига қайтган Бозорқул, ногаҳон, инсон зоти дуч келмаган ғайриоддий ҳодисага дуч келади. Чарақлаган шуъладан кўзлари қамашган Бозорқул рўпарасида терак буйидан икки баробар дароз, кумушдек оқ зирхли либосга ўранган ғалати одамсимон иккита махлукни кўради. Махлуклар : “Кимсан?”, “Кимнинг ўғлисан?”, “Касбинг? Нима иш қиласан?”, “Қачондан буён ишлайсан?”, “Оиланг борми?”, “Оқсоқолга хизмат қилганмисан?” каби саволларни қалаштириб, уни сўроққа тута бошлайди. Кейинчалик эса заводнинг бошқа ҳодимлари, жумладан, Давлатов, Нарзиқул ака, Аминвой гуппи ҳам ўзга сайёраликлар томонидан сўроққа тутила бошланади. Сўрок пайтида қиссадаги образларнинг сўзи, рухияти, юрагидаги қўрқув ҳисси қаҳрамон характерини очиб беришга хизмат қилган. Сўрок вақтида ҳеч қандай қўрқув ҳисси бўлмаган Бозорқул образи рухиятида кейинчалик учар махлукларни эслаганида ёки уларнинг қайта-қайта ташрифидан воҳимага тушиб, юраги безиллаб қолиш ҳолатини ёзувчи қуидагича тасвирлайди. “Хайрият, Бозор уйига эсон-омон этиб келди. У шунчалик тез юрдики, оёғидаги этикнинг оғирлигини ҳам, устидаги паҳтали камзулининг бесўнақайлигини ҳам, йўлнинг зим-зиё қоронгулигини ҳам пайқамади. Факат деворнинг нураган жойидан “лип” этиб ошиб ҳовлига тушди-да, бориб дарвозанинг танбасини ушлаб кўздан кечираётганда қўллари қалт-қалт титраётганини, аъзойи бадани жиққа терга ботганини, бирдан музлаб совқотаётганини сезди” [2;279].

Қўлларнинг қалтираши, титраши, аъзойи баданинг жиққа терга ботиши инсондаги қўрқувни, ҳаяжонни ифодалайди. Инсондаги бундай ҳолатларни қаҳрамон табиатида ифодалаш, психологик тасвирнинг ҳаққоний, табиий

чиқишини таъминлаган. Адабиётшунос Абдурахмон Алимухамедов ҳам Абдулла Қаххор асарларидағи қаҳрамонлар руҳиятини таҳлил қилиб шундай ёзади: “Абдулла Қаххор ҳикояларида кучли ҳаяжон ёлғиз юзга урган бўёклар ёрдами билангина эмас, балки кўп маҳал жамики аъзоларнинг иштироки, яъни “титраш”, “қалтираш” воситаси билан ҳам тасвир қилинади” [1;57].

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам қаҳрамонлар руҳиятини ифодалашда устоз ёзувчилар изидан бориб, уларни яна-да бойитганлигини кўриш мумкин. Руҳият товланишларининг объектив йўли ҳамма вакт муаллиф баёни воситасида олиб борилади. Бундай баён гоҳ характерларнинг ташқи қиёфаси ёки хатти-харакатлари тасвирига кўчса, гоҳ уларнинг нутқларига кўчади. Шунингдек, муаллиф баёни билан биргаликда қаҳрамон нутқи Бозорқул руҳиятининг айни дамдаги туйғуларини ифодалашга хизмат қилган. Бозорқул руҳиятидаги товланишлар Шабнам билан бўлган сұхбатда ҳам ёрқинроқ намоён бўлган. “ – Жим! – шипшитди Бозор. – Сўраб енгяпти улар. Сўрагани сўраган!.. Сўрокқа тутганинг ўзида бир ёқлик бўляпти одамлар. – Шундай дедиу, тутақиб кетди. – Сўраса, нима? Сўраса сўрайверсин! Сўрокқа тутаверсин! Сен жавобингни беравер! Сендан нима кетди!.. Нима жавоб беришдан қўрқасанми? Жавобинг йўқми?! Жавобни қалаштириб ташла!” [2;283]. Бу парчада муаллиф бир туйғу иккинчи бир туйғуга алмашиниб кетишини, яъни қўрқув ва исён ҳисларини Бозорбой руҳиятида бирлаштирган. Асарда мулоқот жараёнида характерлар руҳияти аник сезилиб турди. Бунда адид сўз, хатти-харакат ва ҳолат тасвирининг синтетик усулини қўллаш билан эришади. Буни Бозор ва Амин гуппи образлари мулоқоти жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

“Бозор тушунмади, нима қиларини билмай турганида гуппи қаддини ростлаб-ростламай тутнинг пастак шохлари орасига йўрғалади.

– Безиён дейсан, бола!.. – деганди, тишлари таккиллаб кетди. – Шунчаки сўрайди, дейсан... Шунчаки сўраб туриб чунонам кўтариб урадики!.. Отимни бошқа қўяман, бола! Мен айтди, дерсан... Бор, Бозор, жўна! Уйингга йўқол, бола! Қайтиб қорангни кўрсатма менга!.. Уқдингми!.. Мен сени танимайман,

сен - мени!” [2;274]. Умуман олганда, қиссада образлар рухиятини очишда муаллиф-ровий баёнидан ва персонажлар ўртасидаги диалоглардан фойдаланилган.

Қисса матни таҳлили жараёнида, муаллифнинг ўзига хос услугга эгалиги яққол намоён бўлади. Сюжет воқеаларининг асосий қисми тунда, коронғуликда рўй беради. Яъни, ўзга сайёралик келгиндилар одамларга фақат тунда дуч келиб, уларни сўроққа тута бошлайди. Кундуз қунлари эса бирорвга йўлиқишишмайди. Бу ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Бадиий матндан келиб чиқсак, тун – имконият рамзи. Яъни инсон бир кунлик, бир ҳафталиқ, бир ойлик, бир йиллик, бир умрлик ишлари ҳақида тинч-хотиржам ўйлаб олиши учун берилган вақт имконияти. Яхши амалларининг шукронасини, хатоларидан эса хулоса чиқариши, мулоҳаза юритиш учун инсонга берилган вақт имкониятидир. Асарда учар махлукларнинг инсонга тунда дуч келишларини, уларни сўроққа тутишларини ҳисобга олган ҳолда, шартли равища уларни – инсон виждони рамзи деб атасак бўлади. Чунки ўз кундалик ташвишларидан ортмаган одамзот тунда бир оз муддатга бўлса ҳам ўз виждонига юзма-юз бўлиб, ўзини-ўзи сўроққа тутиши, ҳақиқатига тик боқиши мумкин. Маълумки, тун қора рангда намоён бўлади. Ранглар ҳам ўз ўрнида ҳаётда ва бадиий матнда ўз маъноларига эга. Ҳар бир ижодкор эса рангларни ўз дунёқарashi, тафаккур оламига кўра турлича изоҳлайди.

Адаб Хуршид Дўстмуҳаммад фикрича, “Қора ранг кўпроқ ҳаётга разм солиб қарашга мажбур қиласди. Қўзизни юмиб мушоҳада қилиш кўзни очиб мушоҳада қилишдан кўпроқ самара беради. Қора рангда мулоҳазакорлик, ўйчанлик, дикқат қилиш акс этади”. Ёзувчининг сўзларидан келиб чиқиб, бадиий асарни таҳлил қиласиган бўлсак, қора рангда, яъни коронғуликда мулоҳазакорлик, ўйчанлик кўпроқ. Тун эса ўз навбатида қора рангда намоён бўлади. Демак, инсонлар кўпроқ тунда фикр юритишлари, қилган амаллари, ишлари юзасидан ўйлаб, мушоҳада қилишлари учун имкон яратилар экан. Тасвирда “тунги васваса”, “коронғу уй”, “йўлнинг зим-зиё қоронғулиги”, “туннинг қоқ ярми” каби сўз ва иборалар тасвирнинг янада қуюқлашишига

ҳамда китобхонни олдинда бўладиган нохушликларга таёrlаб бориш учун хизмат қилган.

Асарни ўқиган ўқувчи ундаги гайриоддий ҳодисаларга ишонмаслиги мумкин, албатта. Аммо, ёзувчининг мақсади, юз берган воқеа-ҳодисаларга ўқувчини ишонтириш эмас, балки инсониятни адоксиз югур-югурлар, охири кўринмайдиган ташвишлардан бир зум тиниб, ўзини ўзи тафтиш қилишга, ўзини ўзи сўроққа тутиб кўришга ундаяпти. Зеро, қисса бошида ҳам “Сўроққа тутилмай туриб, ўзларингни ўзларинг сўроққа тутинглар” ҳадиси эпиграф қилиб олинган ва бу бадиий матн мазмун-моҳиятига сингдириб юборилган. Қиссадаги сарлавҳа ҳам бадиий асарнинг копцепциясини ифодалашга ёрдам берган. “Ижодкор матн мазмунини маълум бир сўз ёхуд жумлага жо қилар экан, бадиий асар моҳиятини сарлавҳада бекитади. Бошқача айтганда, сарлавҳа ижодкорнинг бадиий нияти, асар ғояси, образлар тизими ва барча унсурларни ягона фокусда жамловчи митти асардир” [6;24]. Сарлавҳа асар матнига уйғунлиги билан мазмунни очишга, воқеликни идрок этишда, фалсафий фикрлашда ўқувчига ёрдам беради. Қиссадаги образларни эса унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб маълум бир рамзлар асосида таҳлил қилиш мумкин. Пахта заводи бу – дунё хаёли рамзи. Яъни, инсон дунёда турли хаёлларга берилиб, нафсига эрк беради. Бу ҳақида Жалолиддин Румийда шундай ҳикматлар бор. “Инсон хаёлидаги нарса уни ўз орқасидан етаклайди. Масалан, боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга олиб боради. Фақат бу хаёллар ҳақиқатни яширади. Чунончи, бир нарсанинг хаёли сени ўзига тортди. Ва сен у томонга кетмоқдасан. Чунки хаёл сенга у нарсани гўзал қилиб кўрсатган. Бироқ, келгач, пушаймон бўласан ва ўзингга ўзинг: “Буни яхши деб ўйлабман, аслида, ундаи эмас экан” дейсан. Шунинг учун ҳам, хаёллар ичига кимдир яширган чодирга ўхшайди. Қачонки, хаёллар йўқолиб, ҳақиқат юз кўрсатса, пушаймонлик ҳисси сени тарқ этади” [5;20].

Таъкидлаш жоизки, адабиётшунос олим Н.Раҳимжонов қайд этган “рамзлар, тимсоллар, метафоралар асосида мулоҳаза юритиш ва бадиий умумлашмаларда фалсафий теранлика интилиш ҳозирги адабиётнинг

устувор хусусиятлардан эканлиги” [3;10] ушбу қиссада ҳам ўз исботини топган.


Рамзий образлар бадиий асар ғоясини очишда очқич ҳисобланади. Келгинди махлуклар инсонларнинг қилаётган ишлари, амалларини ўйлаб кўришга, ўзини ўзи тафтиш қилишга чақирувчи рамздир. Келгинди махлуклар одамларни сўрекка тута бошлигач, ҳамманинг юрагида қўркув пайдо бўлиб, одамлар саросимада қолишади, кўнгил хотиржамлиги йўқолади, кундалик юмушларидан барака қочади. Бозорбой эса ўйлай-ўйлай бу қўркувлардан, келгиндилардан қутилишнинг ягона йўлини топади. Раҳматов ва Давлатов билан бўлган сухбада шундай дейди: “ – Йўли битта! – Раҳматов гапи оғзида қолиб орага суқилган Бозорнинг оғзига анграйди... Бозор бир нафас жим туриб иккала сухбатдошининг бардошини ўтда “тоблади-да” сўнг давом этди: – Йўли – ҳар ким ўзини ўзи сўроқка тутиш!.. Нима, келгинди жондорлар сўраётганини ўзимиз сўролмаймизми? Сўраб-сўраб жавобимизни пишитиб қўёлмаймизми?!

Директор билан бош ҳисобчи лом-мим демай қотиб тураверишди” [2;323].

Асардаги ҳар бир образ, қаҳрамонларнинг нутқи ёзувчининг бадиий ғоясини очишга ҳизмат қиласди. Ёзувчи ушбу қиссасида инсон руҳий оламини ўта нозик, фавқулодда таҳликали ҳолатларда таҳлил этишга ҳаракат қилган. Асар қаҳрамонларининг фикр-ўйлари, тақдирлари китобхонни ўйлантиради, мулоҳаза қилишга, ўзига хос хуносалар чиқаришга ундейди. Қиссада ижтимоий иллат фош этилиб, ҳалоллик – қиссанинг бош ғояси даражасига кўтарилилган. Ҳалоллик – инсониятнинг барча даврлари: ўтмиш, хозир ва келажак учун асосий мезон бўлиши кераклиги қисса мазмун-моҳиятига сингдирилган.

Юқорида Жалолиддин Румий таърифлаган ҳақиқатлар худди Бозорқул образига қарата айтилгандек гўё. У ҳам пахта заводида ишлашга интилди, қарзидан қутилиш, яхши яшаш хаёллари уни завод томон етаклади. Боргач эса, пушаймонлик хиссини тўйди. Ўзини ўзи сўроқка тутиб,

хақиқатга тик боққанида, ҳеч кимга ёмонлик қилмагани, ҳеч бир ноҳақ ишга аралашмаганини англаб, яъни хаёлларидан хақиқат томон юз бурганида ўзида хотиржамлик ҳиссини тўяди. Бир неча йиллардан буён заводда ишлаб, “ишнинг кўзини” биладиган Давлатов, Раҳматов, Аминвой гуппи – инсондаги нафс рамзи. Нарзиқул ака – инсондаги қўрқув рамзи. Учар баркашдаги одамсимон махлуклар – инсоннинг виждони рамзи. Буларни шартли равишда қуидаги чизмаларда тасвирлаш мумкин.



Юқоридаги фикрлардан хulosса қилиб айтиш мумкини, рамзлар асарда асосий ўрин тутиб, муаллиф бадиий нияти моҳиятини ифодалашда таянч восита бўлиб хизмат қилган. Рамзий образлилик қиссани ташкил этувчи унсурларни ўзаро уюштирувчи бадиий ва мантикий яхлит халқа сифатида асар “қиёфасига” сингиб кетган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алимухамедов А. Абдулла Қаҳхор ҳикояларида психологик тасвир //Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Тошкент: Турон-икбол, 2007.
2. Дўстмуҳаммад, Хуршид. Қиссалар. – Тошкент, 2011.
- 3.Рахимжонов Н. Мустақиллик даври шеърияти етакчи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – №3.
- 4.Ризаев Ш. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланаётган реализм // Шарқ юлдози, 2011. – №3.
- 5.Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир //Улуғбек Ҳамдам таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
- 6.Ҳамроев Комил. Ўзбек ҳикоялари композицияси поэтикаси. Фал.фан.ном.диссертацияси. – Тошкент, 2018.